# Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича

## № 11335 - сонли Шартнома

**Олмалиқ шаҳар**

**"24 март " 2022й.**

**«Finance counting center» О/К** номидан Низом асосида фаолият юритувчи рахбар Атакулова Д.К. (кейинги матларда " Аутсорсер " деб юритилади) бир томондан, Тошкент вилояти 2-сонли рухий касалликлар шифохонаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи рахбар Маликов С.М иккинчи томондан (кейинги матларда "Буюртмачи" деб юритилади). Ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**1. Шартнома предмети.**

1.1 Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш. Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.
1.2 Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини иссик овкат тайёрлаб етказиш хизматини (**Аутсоринг хизмати**)

| **№** | **Номи** | **Ўлчов бирлиги** | **Сони** | **Нархи** | **Умумий қиймати** |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Беморларга иссик овкат тайёрлаб етказиш хизмати | Порция (Бир бемор учун кунлик нарх) | 9047 | 20500 | 185463500 |
| | **Жами:** | | | | 185463500 |

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган холда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига муофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади. Ўз зиммасига олади.
1.3 Хизмат кўрсатиш муддати:
**2022 йил** 24 03 **дан**
**2022 йил** 31 12 **гача**
1.4 Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда курсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада курсатилган банк хисоб-ракамига пул маблаглари утказгандан сунг Хизматлар курсатилган деб хисобланади.

**II. Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари**

**2.1. Аутсорсер куйидаги хукукларга эга:**
2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;
2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чикиш;
2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вактида тўловлар амалга оширилишини талаб килиш; 2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;
2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;
2.1.7. Қонун хужжатларига мувофик бошқа хуқуқлар.
**2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:**
2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан максадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;
2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;
2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;
2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;
2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;
2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;
2.2.7. Хизматлар курсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби буйича бир кун давомида бепул тўғрлаши;
2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аникланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш буйича конуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд булган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (курикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;
2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлок қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;
2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз холда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;
2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган холда Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;
2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш хакида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз Кўрсатилишини таъминлаши;
2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни уқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда);
2.2.16. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.
**2.3. Буюртмачи қуйидаги хуқуқларга эга**:
2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, курсатилиши)ни талаб қилиш;
2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;
2.3.3. Шартномани бекор қилиш тугрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;
2.3.4. Қонун хужжатларига мувофиқ бошкқ хуқуқлар.
**2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур**:
2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар буйича бир ойда камида бир марта Хизматлар хақини тулаши;
2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;
2.4.3. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

## III. Хизматлар нархи ва ўзаро хисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 185463500 ( Бир юз саксон беш миллион турт юз олтмиш уч минг беш юз ) сумни ташкил этади.
3.2. Ушбу шартномага мувофик «**Буюртмачи**» «**Хизмат курсатувчи**»нинг хисоб рақамига шартнома умумий кийматининг 30% микдорида олдиндан туловини шартнома имзоланган хамда Молия Вазирлиги ғазначилиги (ёки унинг худудий булимлари) руйхатидан утган кундан бошлаб 3(уч) банк кунида амалга оширади. Қолган 70% туловни хисоб-фактура ёки унга тенглаштирилган хужжат тақдим этилгандан сунг5 (беш) банк куни ичида амалга ошириш мажбуриятини олади.
3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони хақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда хар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштиради.
3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ булмаган микдорда тўланади.
3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати Ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.
4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс» талабларида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни хамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хуқуқий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.
4.4. Буюртмачига хар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг холатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган холда) шароитлар яратиш.
4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда булган фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик қулланилади.

## V. Мунозарали вазиятларни хал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин булган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этилади.
5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ктказиш йули билан хал этиб бўлмайдиган холатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин

бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

### VI. Форс-мажор холатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар бундай холатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда холатлар ва алохида давр окибати хисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдикланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

### VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг хақиқий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.
7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.
7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

### VIII. Шартноманинг амал килиш муддати

8.1 Ушбу Шартнома имзоланиб, Ғазначиликдан руйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

**“ Аутсорсер ”**
"FINANCE-COUTING CENTER" OK
Олмалик шахар Амир Темур 26-27
Х/Р 20208000905051271001
АТБ САноаткурилиш банк Олмалик ф-л
МФО 01034 ИНН 306304289

Раҳбар: Атакулова Д.К.

Хуқуқшунос хулосаси ____________ Шербоев А.

**“Буюртмачи”**
ТВ 2-сонли РКШ
Олмалик ш. Олмаликсой 7 уй
х/р: 100021860274047073201054001
ИНН: 207287907 МФО:00014
Тош.ш МБББ ХККМ

Раҳбар: Маликов С.М.

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"FINANCE-COUNTING CENTER" Oilaviy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"FINANCE-COUNTING CENTER" OK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

05.04.2019 701904 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306304289

Tashkiliy-huquqiy shakli: Oilaviy korxona

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Olmaliq shahri, Amir Temur , 26, 27,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Olmaliq shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI OLMALIQ SHAHAR OILAVIY KORXONASI FINANCE-COUNTING CENTER

Копия верна

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 51088 на приобретение Услуги по организации горячего питания

Способ проведения электронный

Дата 17.03.2022

Время рассмотрения 17.03.2022 18:45

Конкурсная комиссия Тошкент вилоят 2-сонли Рухий касалликлар шифохонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MURODOV FAXRIDDIN JOVLIYEVICH | Бош шифокор | Тошкент вилояти 2-сонли рухий касаллилкар шифохонаси |
| **Секретарь комиссии** | ANORALIYEVA DILDORA ABSALOM QIZI | бухгалтер | секретар комиссия |
| **Член комиссии** | RABBIMOV ABDUVALI MANSUROVICH | Заведущий | члены комиссии |
| **Член комиссии** | ABDUMAVLONOVA NASIBA ABDUQODIROVNA | зав отдель | член комисссия |
| **Член комиссии** | ORTIQBOYEVA SHAXIDA URSHIMOVNA | завхоз | член коммисии |
| **Член комиссии** | ISMAILOVA GULSUM IZZETOVNA | главная медсестра | chlen kommisi |
| **Член комиссии** | O‘RINBOYEVA NOZIMA TULKINALIYEVNA | Провизор | члены комиссии |
| **Член комиссии** | PANJIYEVA SHAIRA ABDUKARIMOVNA | buxgalter | chlen kommisi |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.03.2022 года № лота 51088.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
|---|---|
| Подробное описание | Иссик овкат |
| Количество товара | 9 047.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 21 000.00 |
| Стартовая сумма | 189 987 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Муассасанинг аутсорсинг талаблари

Тип: Текстовое значение

Описание: Аутсорсинг хизмати бўйича камида 3 ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| FINANCE-COUNTING CENTER OK | 40 | 40 балл | 40 | Экспертная | | |
| OOO KINDER GARDEN GROUP | 40 | 40 | 10 | Экспертная | | |
| KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ | 40 | 40 | 10 | Экспертная | | |
| SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ | 40 | 172,797,700.00 | 16 | Экспертная | | |

Критерий №2 Муассасанинг аутсорсинг талаблари

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий аҳволи барқарорлиги,солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| FINANCE-COUNTING CENTER OK | 30 | 30 балл | 30 | Экспертная | | |
| OOO KINDER GARDEN GROUP | 30 | 30 | 8 | Экспертная | | |
| KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ | 30 | 30 | 8 | Экспертная | | |
| SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ | 30 | 172,797,700.00 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Муассасанинг аутсорсинг талаблари

Тип: Текстовое значение

Описание: Қонун хужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича тегишли лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| FINANCE-COUNTING CENTER OK | 30 | 30 балл | 29 | Экспертная | | |
| OOO KINDER GARDEN GROUP | 30 | 30 | 8 | Экспертная | | |
| KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ | 30 | 30 | 15 | Экспертная | | |
| SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ | 30 | 172,797,700.00 | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| OOO KINDER GARDEN GROUP | 189 987 000.00 | 162 846 000.00 | 17.03.2022 00:43:57 | 19.94 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **FINANCE-COUNTING CENTER OK** | 189 987 000.00 | 185 463 500.00 | 16.03.2022 17:01:42 | 17.51 |
| **SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ** | 189 987 000.00 | 172 797 700.00 | 17.03.2022 14:14:50 | 18.80 |
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 189 987 000.00 | 162 393 650.00 | 17.03.2022 00:57:35 | 20.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО KINDER GARDEN GROUP** | 20.8 | 19.94 | 40.74 |
| **FINANCE-COUNTING CENTER OK** | 79.2 | 17.51 | 96.71 |
| **SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ** | 36.8 | 18.8 | 55.6 |
| **KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ** | 26.4 | 20 | 46.4 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 51088 от 17.03.2022 года на приобретение Услуги по организации горячего питания определила победителем:

FINANCE-COUNTING CENTER OK
306304289

и резервный исполнитель: SHOXRUX-DILDORA SAVDO MCHJ (303688423)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MURODOV FAXRIDDIN JOVLIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | O‘RINBOYEVA NOZIMA TULKINALIYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | RABBIMOV ABDUVALI MANSUROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDUMAVLONOVA NASIBA ABDUQODIROVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | ORTIQBOYEVA SHAXIDA URSHIMOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | PANJIYEVA SHAIRA ABDUKARIMOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISMAILOVA GULSUM IZZETOVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**«FINANCE-COUNTING CENTER» ОИЛАВИЙ КОРХОНАСИ**

**Олмалик шахар Амир Темур кучаси 26-уй 27 хонадон Телефон 99 8940703**

**Ҳ/р 20208000905051271001 АТБ Ўзсаноат қурилиш банк Олмалиқ филиали МФО 01034 СТИР 306304289**

**№ 2 16.03.2022й**

**Тошкент вилояти 2-сонли рухий касалликлар шифохонаси бош шифокорига**

**ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ**

**«FINANCE-COUNTING CENTER»** ОК Тошкент вилояти 2-сонли рухий касалликлар шифохонаси томонидан 10.03.2022 йил № 51088 лот рақам асосида қуйидаги мазмунда тижорат таклифини такдим этади:

1.Буюртмачи томонидан қўйилган талабларни тўлиқ ижро этиш бунда шу хизмат кўрсатиш жараёнида нафақат овқат тайёрлаш, балки зарур ҳужжатларни таомнома (меню), озиқ-овқат махсулотлари кирим чиқим ҳисобини юритиш ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни билимга эга бўлган ўз вазифасининг малакали кадрлар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

2.Беморлари сифатли иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида белгиланган меъёрлар ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда аутсорсер томонидан тузилган ва шифохона раҳбари билан келишган ҳолда тасдиқланган таомнома асосида бир бемор учун бир кунда 3 маҳал иссик овкат ва қўшимча таом билан жами 5 (беш) маҳал таъминлаш нархи 20500 сўмни ташкил этади.

3.Алохида контингент беш койкада даволанаётган (психотуберкулёз) беморлар учун иккинчи нонуштa корхона хисобидан таъминланади.

4.Корхона хисобидан барча байрамларда беморлар учун байрам дастурхонлари ташкил этилади.

5.Беморларни даволашда нафақат дори-дармон, балки ССБнинг бош диетологи томонидан тасдиқланган (7 кунлик тахминий таомнома илова килинган) таомнома асосида сифатли иссиқ овқат ва қўшимча егулик билан таъминлаш муҳим ўрин тутади. Шу сабабли парҳез таом билан таъминлаш мажбуриятини олади.

6. Хизмат кўрсатишни амалга оширишда малакали ошпазлар ва уларнинг ёрдамчиларни меҳнатга жалб этиш.

**Аутсорсер томонидан қуйидаги қўшимча таклифлар бажарилиши кўзда тутилган:**

7. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан қўйилаётган энг долзарб масала янги иш ўрни яратиш. Амалдаги ишчи ходимларни уларнинг эгаллаб турган вазифасини енгиллаштириб иш ҳақини камайтирмасдан янги иш ўринлари яратиш ҳамда ёшларни меҳнатга жалб этиш.

8. Бинонинг яроксиз жойларини ўз маблаглари ҳисобидан таъмирлаш ишларини бажариш.

9. Ошхона (Овқат тайёрлаш блоки)нинг тайёр маҳсулотни тарқатиш жойи мавжуд эмаслигини инобатга (СанПин қоидаларига мослашмаган) олиб шифохона раҳбарияти билан келишган холда тайёр маҳсулотни тарқатиш жойини белгилаб корхона ҳисобидан қуриш ишларини амалга ошириш.

10. Шифохона маъмуриятидан илтимос қилган ҳолда овкат тайёрлаш блоки атрофидан кўкаламзорлаштириш майдони бириктирилишини сўраб, ажратилган худудга кўкаламзорлаштириш ишларида ўз ҳиссасини қўшиш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сон карори 2-иловаси Низомда назарда тутилган талабларга асосан фаолият юритиш корҳона томонидан тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

*Ҳурмат билан*

**«FINANCE-COUNTING CENTER»**
**ОК директори :** **Д. Атакулова**

Манзил: Тошкент вилояти, Олмалик шахар, А.Темур кучаси 26-уй, 27-хонад
Тел.: (97) 446 03 07, (93) 182 47 84. E-mail: Z_XY-77@mail.ru